

## Аҳли дўзахнинг энг оз азобланадигани



19:09 / 02.12.2016 5517

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У киши хутба қилаётиб «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **«Албатта, аҳли дўзахнинг энг оз азобланадигани бир киши бўлиб унинг икки товонидан икки чўз босилади ва ўшалардан унинг миясин қайнаб кетади»** деганларини эштиганман», деди».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Албатта, аҳли дўзахнинг энг оз азобланадигани бир киши бўлиб унинг оловдан икки кавуши ва қавушбоғи бўлади. Иккисидан унинг димоғи худди қозон қайнагандек қайнайди. У ҳеч ким ўзидан кўра шиддатли азобда бўлмаса керак деб билади. Ҳолбуки, у уларнинг энг оз азоб тортгани бўлади»**, дедилар».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аҳли дўзахнинг энг оз азобланадигани Абу Толибдир. У икки кавуш кийган бўлиб, улардан унинг димоғи қайнайди», дедилар».** Иккисини Муслим ва Имом Аҳмад ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, дўзахга кирганлардан икки кишининг қичқириғи шиддатлашди. Бас, Робб азза ва жалла «Иккисини чиқаринглар» дейди. Уларни чиқарилганда: «Нима учун иккингишнинг қичқириғингиз шиддатлашди?» дейди.**

**«Буни бизга раҳм қилишинг учун қилдик», дейишади.**

**«Менинг сизларга раҳматим бўлсин. Иккингиш бориб дўзахнинг қаерида бўлсангиз ўша ерига ўзингизни отинг», дейди.**

Улар юриб кетадилар. Бирлари ўзини отади. Бас, У зот у ерни унинг учун совуқ ва саломатлик қилади. Бошқаси туриб қолади. Ўзини отмайди. Шунда Робб азза ва жалла унга: **«Сени худди соҳибинг ўзини отганидек ўзингни отишингдан нима ман қилди?» дейди.**

**«Эй Роббим! Мени ундан чиқарганингдан кейин унга қайтармаслигингни умид қиламан», дейди.**

**Робб азза ва жалла унга: «Сенинг умидинг бўлсин!» дейди.**

**Аллоҳ таолонинг роҳмати ила иккилари биргалашиб жаннатга кирадилар», дедилар».** Термизий ривоят қилган.